

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**711** «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сон «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2127, 2010 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 263-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 июнь,  
92-сон

**Давлат солиқ  
қўмита раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 июнь,  
2017-36-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2017 йил 30 июндаги  
92, 2017-36-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомнинг 12-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошисидagi «ДАК» қисқартмаси «АЖ» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

**«Ўзбекэнерго» АЖ  
бошқарув раиси**

**У. МУСТАФОЕВ**

2017 йил 30 июнь